

била олмай қолса, уч ракат ўқидим, деб олсин ва салом беришидан олдин иккита саҳв саждаси қилсин», дедилар».

Аҳмад ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадиси шарифнинг ровийси Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олсак.

Абдурраҳмон ибн Авф Зухарий ал-Қураший, кунялари Абу Муҳаммад.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу воситаларида саккизинчи бўлиб Исломога кирган, Ҳабашистон ва Мадинага ҳижрат қилган, жаннатга киришларига башорат берилган ўнта саҳобийларнинг бири.

У киши Бадр, Уҳуд, Хандақ, Ризвон байъати ва бошқа бир қанча ғазотларда иштирок этган, Уҳуд жангида йигирма бир жойидан жароҳатланган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам воситаларида Саъд ибн Абу Робеъ билан исломий биродар бўлган, бадавлат ва саҳий саҳоба эдилар.

Бу зот кўп мол соҳиби эдилар. Бир куннинг ўзида ўттизта қул озод қилганликлари ва бир карвонни Аллоҳ йўлида эҳсон этганликлари тўғрисида китобларда ёзилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Абдурраҳмон ибн Авф осмонда ҳам, ерда ҳам аминлардандир», деб марҳамат қилганлар.

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 65та ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан Ибн Аббос, Ибн Умар, Жобир, Анас ибн Молик, Жубайр ибн Мутъим, Абу Салама, Мусъаб ибн Умайр, ўғиллари Иброҳим ва Хумайд ва тобеъинлардан бир нечалари ривоят қилганлар.

Абдурраҳмон ибн Авф ҳижратнинг 32-йили Мадинада вафот этдилар ва Бақиъ қабристонига дафн қилиндилар.

Юқоридаги ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда ракатларнинг сонини унутиб қўйишнинг уч тури ва шундай ҳолатларда нималар қилиш кераклигини баён этиб бермоқдалар.

Кўриниб турибдики, неча ракат ўқиганини билмай, иккиланиб қолган одам эҳтиёт маъносида оз томонини ушлагани маъқул. Шунда саҳв саждаси

қилиш билан камчилик тўғрираниб кетаверади. «Саҳв» сўзи луғатда «унутиш» маъносини англатади.

Намозда маълум бир амаллар унутилса, ундан ҳосил бўлган нуқсонни саҳв саждаси қилиш билан тўғрилаб олиш имкони бор. Бу ҳам Ислон енгиллик дини эканлигининг ҳамда Аллоҳ таолонинг мусулмонларга меҳрибонлигининг ёрқин далили ҳисобланади. Намозда хато қилган одам уни яна қайтариб ўқиб ўтирмай, икки марта ортиқча сажда қилиб қўйиш билан хатосини тўғрилаб олаверади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан